

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 853-ҳадис

853/1781 – عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: اعْتَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

فِي ذِي الْمَعَدَةِ قَبْلَ أَنْ يَحْجَّ مَرَّتَيْنِ.

853.1781. Абу Исҳоқдан ривоят қилинади:

«Масрук, Ато ва Мужоҳиддан сўраган эдим, улар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зулқаъдада ҳаж қилишларидан олдин умра қилганлар», дейишди.

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳунинг «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж қилишларидан олдин Зулқаъдада икки марта умра қилганлар», деяётганини эшитдим».

**Изоҳ:** Баро розияллоҳу анҳу ё Ҳудайбиядаги умрани ҳисобга олмаган ёки Жирона умраси тун қоронғусида бўлгани учун ундан беҳабар қолган.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVAIDLARI